БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№77 (222) 2018 йил 3 октябрь, чоршанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мактабгача таълим тизимини яхлит узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини сифатида янада такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик ва жисмоний ривожлантирувчи замонавий таълим дастурлари ва технологияларини таълим-тарбия жараёнига жорий этиш, уларнинг мактабга тайёргарлик даражасини тубдан ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик деб аталади) негизида қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

а) **Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион марказини** (кейинги ўринларда – Марказ) давлат муассасаси шаклида ташкил этиш ҳамда унга қуйидаги вазифаларни юклаш:

таълим-тарбия жараёнига илғор педагогика ва ахборот технологияларини жорий этиш, Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимининг жорий этилишини таъминлаш;

таълим-тарбия жараёнида, мактабгача тарбия тизимининг педагог ва раҳбар ходимлари таркибини ўқитиш жараёнида фойдаланиш ҳамда турли телекоммуникация каналлари орқали тарқатиш учун медиа-контент тайёрлаш ва ишлаб чиқариш;

мактабгача таълим муассасалари учун ўқув-методик, дидактик материалларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш;

мактабгача ёшдаги болаларни эрта ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш;

мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

мактабгача таълим тизимига жорий этилаётган таълим усуллари ва дастурларини таҳлил қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

*(Давоми 2-бетда)*

## Корхонанинг сифатли маҳсулотлари



Навоийдаги «UzEraeCable» Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси автомобиль саноати ва энергетика соҳаси учун махсус кабеллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

– Корхонамиз йилига турли ўлчамдаги 130 минг километр кабель ишлаб чиқариш қувватига эга, – дейди қўшма корхона раҳбари Шерзод Умаров. – Асосий буюртмачиларимиз «GM Uzbekistan» ва «SamAuto» корхоналари бўлиб, маҳсулотимиз сифати ва чидамлилиги билан уларга манзур бўлмоқда.

90 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада, шунингдек, Италия технологияси асосида эмалланган мис сим тайёрлаш йўлга қўйилган.







**Суратларда:** Навоийдаги «UzEraeCable» Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонасида.

**Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Тадбиркорлар муаммосига ечим топиш зарур

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси томонидан «Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари» мавзусида ўтказилган конференцияда шу ҳақда сўз борди.



Унда депутатлар, тегишли вазирликлар, қўмита ва ташкилотлар мутасаддилари, экспертлар, олимлар, тадбиркорлар қатнашди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ижро этиш, бизнес ҳамжамияти ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот, соғлом шериклик механизмларини йўлга қўйиш, хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилишни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунга қарамай, тадбиркорлар билан бизнес-муҳитни такомиллаштириш масалалари бўйича долзарб ахборот алмашинувини йўлга қўйиш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ўз бизнесини ташкил этиш ва юритишда аҳолига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектларига сифатли давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш масаласи анча суст экани кўзга ташланмоқда.

Конференцияда мутахассислар бу борадаги таклиф ва тавсияларини билдирди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни муҳофаза қилиш ва унинг дахлсизлигини янада мустаҳкамлаш, соҳадаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш диққат марказида бўлиб турибди. Бу саъй-ҳаракатлар натижаси эса нафақат мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида, балки етакчи халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликларининг ижобий баҳосида ҳам холисона акс этмоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш – 2018» ҳисоботида Ўзбекистон тадбиркорлик учун янада қулай шароитлар яратиш бўйича ислоҳотчи давлатлар қаторида жаҳонда биринчи ўнталикка киргани қайд этилган.

Аммо бу ҳали етарли эмас. Айни йўналишда янада муваффақиятга эришишдек муҳим вазифа турибди. Юртни тараққий эттириш, халқни бой қилишнинг ягона чораси – бу тадбиркорликни янада кучайтириш, оддий одамларни ишбилармонликка ўргатиш, инвестициявий муҳитни яхшилаш билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг «Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрирда) қабул қилиниши келгусида тадбиркорлик ташаббусини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиш, бизнес ҳамжамияти ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар ўртасида ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш кафолатини кучайтириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ҳуқуқуй асос вазифасини ўтамоқда.

Президентимизнинг жорий йил 29 июндаги «Солиқ сиёсатини такомиллапштириш концепцияси тўғрисида»ги фармони соҳада муҳим янгиликларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Бу каби чора-тадбирлар Ўзбекистонда тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишда кенг имкониятлар яратади.

Конференцияда мазкур соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга, ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Мутахассис, эксперт ва тадбиркорларнинг мазкур муаммоларни бартараф этишга доир фикр-мулоҳазалари тингланди.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Э. Турдимов Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номли марказий истироҳат боғида ёшлар билан учрашув ўтказди.

## Ҳоким ёшлар билан учрашди

### Учрашувдан кейин «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди.

Унда Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгаши аъзолари, талаба ва ўқувчи-ёшлар, ёш тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар, спортчилар иштирок этди.

Вилоят ҳокими ёш тадбиркорлар, ҳунарманд ва фермерлар маҳсулотлари кўргазмаси, ихтирочи ёшлар тақдимотлари билан танишиб, улар билан суҳбатлашди. Ёшларнинг орзу-мақсадлари билан қизиқиб, таклиф ва мулоҳазаларини эшитди.

Ургут туманида эркаклар кўйлаги ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган «Ургут саноат сервис» оилавий корхонаси раҳбари Мажидхон Исломов ўз маҳсулотларини сотиш учун савдо дўкони ташкил этишда вилоят ҳокимидан ёрдам сўради.

Самарқанд шаҳридан ёш заргар Ойбек Тиллаев эса ушбу фаолият билан шуғулланаётган ёшлар сафи кенгайиб бораётганини инобатга олиб, уларнинг янада самарали ишлаши учун замонавий шароит яратишда кўмак зарурлигини таъкидлади.

Вилоят ҳокими шу ва бошқа масалалар юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди. Ҳар бир мурожаатнинг натижаси доимий назоратда бўлишини қайд этди.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали талабаларининг тақдимотини кузатган ҳоким ёш тадқиқотчиларнинг ишига юксак баҳо бериб, бугунги кун талабларига мос замонавий дастурлар яратиш ва уларни вилоятда турли соҳа ва тармоқларда қўллаш бўйича ўз таклифларини билдирди.

– Учрашувда ёшлар вилоят ҳокимига 36 масала юзасидан мурожаат қилди, ўнлаб таклифлар билдирилди, – дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти кенгаши раиси А. Аслонов ЎзА мухбири Ғ. Ҳасановга. – Аксарият масалалар шу ернинг ўзида ечим топган бўлса, ўрганилиши зарур бўлган мурожаатлар, таклифлар бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди. Бугундан ушбу чора-тадбирлар ижросига киришдик.

Тадбир доирасида Ёшлар иттифоқи сардорлар кенгаши аъзоларига кўкрак нишонлари тақдим этилди. Ёш архитектор, дизайнер ва ҳунармандлар учун маҳорат машғулотлари ўтказилди.









Аҳолига қулайлик яратиш, транспорт харажатларини камайтириш мақсадида Поп, Чуст, Тўрақўрғон, Наманган, Чортоқ, Уйчи, Учқўрғон, Норин туманларида 8 та кўмир омбори ташкил қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

б) **Ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институтини** (кейинги ўринларда – Институт) давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этиш ҳамда Институтни мактабгача таълим тизими буюртмачилари билан тузилган шартномаларга мувофиқ инвестиция лойиҳалари бўйича, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда бош лойиҳа ташкилоти сифатида белгилаш;

в) **Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компаниясини** (кейинги ўринларда – Инжиниринг компанияси) давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этиш ҳамда Инжиниринг компаниясига мактабгача таълим тизими объектларини қуриш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича буюртмачи функцияларини юклаш ҳамда компания хизматлари билан боғлиқ харажатларни давлат мактабгача таълим муассасаларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш қийматига киритиш;

г) юридик шахс ташкил қилмасдан **Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармасини** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этиш.

**Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:**

Республика бюджети маблағлари, шу жумладан, 2018-2019 йилларга мўлжалланган, ҳар чоракда ажратилиб, ҳар йили бюджет қоидаларига мувофиқ индексацияланадиган жами 100 миллиард сўм миқдорида;

давлат мактабгача таълим муассасаларининг фойдаланилмаётган кўчмас мулкини сотишдан тушган маблағлар – 100 фоиз миқдорида;

Вазирлик тузилмасига кирган ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини текшириш натижалари бўйича Вазирлик ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалари даромадига ундирилган бюджет маблағларининг ноқонуний харажатлари, ўғирлик, камомад суммаларининг 50 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хайрия маблағлари;

халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзи), грантлари ва техник кўмаклашиш маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилаб қўйилсинки:

а) **Жамғарма маблағлари:**

мактабгача таълим муассасаларини белгиланган тартибда мақсадли қурилишлар рўйхатига киритиб, уларнинг тармоғини кенгайтиришга;

мактабгача таълим тизими ходимларини моддий рағбатлантиришга;

юқори малакали мутахассислар, шу жумладан, хорижий мутахассисларни, шунингдек, хорижда фаолият юритаётган ватандошларимизни фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида Вазирликка ишлаш учун жалб қилишга;

Вазирликка юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳа институтлари, илмий ва олий таълим муассасалари, етакчи халқаро ва хорижий ташкилотлар мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчилар сифатида жалб қилишга;

Вазирлик ходимларини, жумладан, хорижда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилишга;

Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоят мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари ва давлат мактабгача таълим муассасалари биноларини жиҳозлаш ва таъмирлашга;

таълим-тарбия жараёнига илғор педагогика ва ахборот технологияларини жорий этиш, шунингдек, Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган бошқа тадбирларга сарфланади;

б) Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан келишган ҳолда Жамғарма томонидан хорижий давлатлар ва ҳукуматлардан, халқаро ва хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларидан, чет эллик фуқаролардан беғараз ёрдам олиниши ҳақида қарорлар қабул қилади.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппаратининг янгиланган тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик тизими бошқарув ходимларининг чекланган сони 2 324 нафар, шу жумладан, Вазирлик марказий аппарати ходимлари 138 нафар, шунингдек, методистлар 471 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирига:

Вазирлик марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони чегарасида ўзгартиришлар киритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоят мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари, бошқа идоравий мансуб ташкилотларнинг низомлари ва тузилмаларини, шунингдек, уларнинг бошқарув ходимларининг чекланган сонини тасдиқлаш ҳуқуқлари берилсин.

3. Белгилансинки:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармалари, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири томонидан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

б) 2019 йил 1 январдан:

мактабгача таълим тизимининг пенсия ёшидаги ходимларига, уларнинг мактабгача таълим тизими муассасаларидаги фаолияти асосий иш жойи бўлган тақдирда пенсия тўлиқ миқдорда тўланади;

мактабгача таълим билан боғлиқ йўналиш бўйича фаолиятга лицензия бериш учун мажбурий лицензиявий талаб мактабгача таълим муассасаси, унинг тарбияланувчилари, педагоглари ва таълим-тарбия жараёни тўғрисидаги ишончли ахборотни Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимига киритишдир;

нодавлат мактабгача таълим муассасаси лицензиясини тўхтатиш ёки бекор қилиш учун Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимида мактабгача таълим муассасаси, унинг тарбияланувчилари, педагоглари ва таълим-тарбия жараёни тўғрисидаги ишончли ахборотнинг йўқлиги асос бўлади.

4. **2018-2019 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари дастури** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгар эканлиги кўрсатилсин**.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасидан Марказга беғаразлик асосида босқичма-босқич 10 миллион АҚШ доллари эквивалентида, шу жумладан, 2018 йилда Марказни жойлаштириш, жиҳозлаш ва сақлаш билан боғлиқ ташкилий-амалий тадбирларни молиялаштириш учун 2 миллион АҚШ доллари эквивалентида маблағ ажратсин;

Вазирлик билан биргаликда белгиланган тартибда мактабгача таълим муассасаларининг Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кенг полосали интернет тармоғидан фойдаланишини таъминласин.

6. Қуйидагилар:

хорижий шериклар билан биргаликда амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида илғор педагогик технологиялар ва инновацион ўқитиш усулларини жорий этиш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан, мактабгача таълим соҳасида корхоналар ташкил қилиш учун олиб кириладиган товарлар;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, Марказ, Инжиниринг компанияси ва Институт томонидан олиб кириладиган махсус техника, ускуналар, шу жумладан, асбоблар, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар, техник ҳужжатлар ва дастурий маҳсулотлар белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича 2022 йилнинг 1 январигача божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатилган товарлардан мақсадсиз фойдаланилган тақдирда божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан тўланмаган божхона тўловлари суммаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети фойдасига ундирилади ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда молиявий санкциялар қўлланилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Молия вазирлиги:

2019 йил 1 январдан Тошкент шаҳрининг учта туманида жон бошига норматив молиялаштиришнинг синов режимида жорий этилишини;

2019 йил 15 июлгача бўлган муддатда синов тариқасидаги жон бошига норматив молиялаштириш натижаларининг батафсил таҳлил қилинишини;

2019 йил 1 августгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўтказилган таҳлил натижаларини ҳисобга олган ҳолда мактабгача таълим тизимида молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Вазирлик ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йил 1 ноябргача бўлган муддатда қишлоқ жойларда бир нечта кўп қаватли турар жой уйлари ёки уйлар гуруҳларидан иборат янги мажмуаларни лойиҳалаштириш нормативлари ва тартибини ишлаб чиқсин ҳамда кўп қаватли турар жой уйларининг биринчи қаватларида ёки алоҳида бино кўринишида мактабгача таълим муассасаси бўлишини назарда тутсин.

9. Белгилансинки:

қишлоқ жойларда бир нечта кўп қаватли турар жой уйлари ёки уйлар гуруҳларидан иборат янги қурилаётган мажмуалардаги мактабгача таълим муассасасининг энг кам қуввати 50 ўриндан кам бўлмаслиги керак;

қурилган мактабгача таълим муассасалари бинолари ёки хоналари давлат ёки нодавлат таълим муассасаларини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида, турар жой мулкдорларининг қарорига мувофиқ ташкил қилиш учун фойдаланилиши мумкин;

давлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш, тугатиш, уларга тегишли ер участкалари ва кўчмас мулкни олиб қўйиш фақат Вазирлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

давлат мактабгача таълим муассасаларини қайта ташкил этиш ёки тугатиш, уларга тегишли ер участкалари ва кўчмас мулкни олиб қўйиш ҳақида Вазирлик билан келишмаган ҳолда қарор қабул қилган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

10. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Вазирлик Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ билан биргаликда 2019 йил 1 мартгача бўлган муддатда 2025 йилгача мактабгача таълим муассасаларини ичимлик суви, иситиш тизими, электр энергияси ва табиий газ билан таъминлашни тубдан яхшилаш дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. «UZINFOCOM» давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор» МЧЖ ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази билан биргаликда 2019 йил 1 январгача:

болани давлат мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш бўйича давлат хизматидан фойдаланганда;

мактабгача таълим муассасаларида таълим олаётган болалар учун жисмоний шахс шахсий идентификация рақамини бериш бўйича хизматни жорий этсин.

12. Вазирлик:

а) ўн кунлик муддатда Давлат мактабгача таълим муассасаларининг Васийлик кенгашларини тугатсин ҳамда Давлат мактабгача таълим муассасаларининг Кузатув кенгашларини тузсин;

б) бир ойлик муддатда:

давлат мактабгача таълим муассасалари томонидан дам олиш кунларида ва иш куни тугагандан кейин белгиланган дастурдан ташқари фаолият ихтисослиги бўйича қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш (болаларни парваришлаш, қараб туриш, ўқитиш бўйича ва бошқалар) тартибини тасдиқласин;

Мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақида низомни тасдиқласин ва унда, шу жумладан, Кузатув кенгашига Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тавсия этилган номзодлар таркибидан мактабгача таълим муассасаси раҳбарини сайлаш ҳуқуқи берилиши назарда тутилсин.

13. Белгилансинки:

а) Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармалари маблағлари, товарлар, ишлар, хизматларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича умумий харажатлар (ҳомийлик, беғараз ёрдам суммаларидан ташқари) қоплангандан кейин моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва моддий рағбатлантириш бўйича тадбирлар учун фойдаланилади;

б) давлат мактабгача таълим муассасаси ҳисобварағига қўшимча пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш бўйича умумий харажатлар қоплангандан кейин:

80 фоизи – мактабгача таълим муассасаси ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда мактабгача таълим муассасаси моддий-техника базасини яхшилашга (таъмирлаш, инвентарь ва ускуналар, ўқув-услубий материаллар сотиб олиш ва бошқалар);

10 фоизи – Жамғармага;

5 фоизи – тегишли туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимининг Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига;

5 фоизи – Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасининг Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтиришни биргаликда молиялаштириш, давлат мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, мазкур қарор билан тасдиқланадиган 2018-2019 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари дастурини биргаликда молиялаштириш учун донор мамлакатлар ва халқаро молиявий институтлар маблағларини (кредитлар, қарзлар, грантлар) давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилишни таъминласин.

15. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текшириш тартибини белгилайдиган Ҳукумат қарорини, бундай ваколатлар берилган органларнинг қатъий рўйхатини, текширувларни тайинлаш ва ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ноқонуний текширишларга йўл қўйилмаслиги устидан назоратни кучайтирсин ҳамда айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий жавобгарлик чораларини қўлласин.

Назорат қилувчи органлар жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текшириш чоғида аниқланган қоидабузарликларнинг бартараф этилиши ва кейинчалик йўл қўйилмаслигига ҳар томонлама ёрдам кўрсатсин.

17. Молия вазирлиги мазкур қарорнинг амалга оширилиши учун зарур маблағларни 2018 йилда «Таълим» тармоғи бўйича Давлат бюджети параметрлари чегарасида ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида ҳар йили назарда тутсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Марказ, Институт ва Инжиниринг компаниясининг фаолиятини ташкил қилиш бўйича, шу жумладан, уларни молиялаштириш манбаларини назарда тутган ҳолда;

Жамғарманинг фаолиятини ташкил қилиш бўйича қарор қабул қилсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирини Жамғарма маблағларини тақсимловчи этиб белгилашни назарда тутсин.

19. Марказ, Институт ва Инжиниринг компаниясини Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Оқдарё кўчаси, 122-уйда жойлашган Яшнобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи биноларида жойлаштирсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

22. Вазирлик бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувохитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А. В. Шин зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 30 сентябрь

# Халқ таълими тизимида янги жамғарма

Президентимизнинг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мактаб таълимида янги исиқболлар очишга хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган 2018-2021 йилларга мўлжалланган Халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбири дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2018 йил 29 сентябрь куни Ўзбекистонда илк бор «Краудфандинг» (халқ томонидан молиялаш) биринчи платформаси Mfond.uz ишга туширилди.

Мактаб хайрия жамғармаси – Mfond.uz тақдимотига бағишлаб Ёшлар пресс-клубида ташкил этилган тадбирда турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари иштирок этди. Ушбу платформа орқали жамланган маблағлар таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш ва истеъдодли ўқувчиларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Платформа мактаб раҳбарлари учун ўқув муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантириш учун ҳомийлик маблағларини жалб қилишга қаратилган ўзига хос восита бўлиб, бу маблағларни ишлатишда очиқлик ва ҳисобдорликни таъминлашга алоҳида эътибор берилади.

Mfond.uz ҳомийлик платформаси орқали ҳомийлар, ота-оналар, чет элда яшовчи ватандошларимиз, жумладан, мактабнинг собиқ ўқувчилари мактабларга ҳомийлик қилиши мумкин. Маблағларни Payme, Upay, Click маҳаллий ва халқаро Visa, MasterCard ва бошқа халқаро тўлов тизимлари орқали ўтказиш учун қулайликлар яратилган.

Таъкидлаш керакки, ҳомийлар маблағларни маълум бир мактаб ҳисобига ёки умумий жамғарма ҳисобига ўтказиб бериши мумкин.

Жамғарма ҳисобидан лабораториялар, «Ақлли синфлар» ва бошқа лойиҳалар яратиш, жиҳозлаш, мактаб инфратузилмаси, қолаверса, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда уни ривожлантириш учун маблағлар йўналтирилади.

Лойиҳа раҳбари Рустам Каримжоновнинг сўзларига кўра, юртимизда бугунги кунда 10 мингга яқин мактаб фаолият юритмоқда, улардан 60 фоизининг моддий-техник базаси етарли эмас. Фақат 37 фоиз мактаб компьютер синфига эга бўлиб, уларнинг 7 фоизи интернет тармоғига уланган. Ҳукуматимиз томонидан мактаблар инфратузилмасини яхшилаш учун маблағлар ажратилмоқда. Аммо қисқа вақт ичида белгиланган мақсадларга эришиш учун ҳомийларни жалб қилиш лозим бўлади.

– Краудфаундинг тизимидан фойдаланган ҳолда мактаблардаги шарт-шароитларни яхшилаш, фарзандларимизнинг таълим олиши ва ҳар томонлама ривожланиши учун қулайлик яратиш бизнинг асосий мақсадимиздир, – дейди Р. Каримжонов. – Бу лойиҳа мактаблар учун бир воситадир. Мазкур платформа ёрдамида маблағларни жалб қилиш ва сарфлашнинг очиқлиги, ҳисобдорлиги таъминланади. Тизим тўлиқ шаффоф бўлиб, фонд ишининг ошкоралигини таъминлаш мақсадида олинган маблағлар ва улардан қандай фойдаланилгани ҳақида маълумотлар мунтазам равишда бериб борилади.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Кўмир ёқилғиси муаммо бўлмайди

Президентимизнинг 2018 йил 12 июлдаги «Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2018-2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Наманган вилоятида кўмир ёқилғисига бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондириш бўйича аниқ режа ишлаб чиқилган.

Унга кўра, вилоят аҳолиси ва бюджет муассасаларини 201,6 минг тонна, жумладан, 81,3 минг тонна кўмир ва 120,3 минг тонна брикет билан таъминлаш режалаштирилган.

– Вилоятда кўмир ёқилғисини етказиб бериш билан боғлиқ муаммо бўлмайди, – дейди «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга қарашли «Темирйўлёнилғитаъмин» бошқармаси Қўқон бирлашган ёнилғи омбор хўжалигининг Наманган вилояти кўмир омборлари раҳбари М. Ҳамроев ЎзА мухбири Акромжон Сатторов билан суҳбатда. – Тўғри, кўмирни бевосита кондан қазиб олиш ҳажми, ташиб келтиришда йўл-транспорт билан боғлиқ фавқулодда ҳолатлар сабаб таъминотда икки-уч кунлик узилишлар бўлмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Лекин, вилоят аҳолиси, ижтимоий соҳалар ва иқтисодиёт тармоқлари қиш мавсумида кўмир билан тўлиқ таъминланади.

Албатта, ушбу режага нисбатан бугунги кўрсаткичларимизни қониқарли, деб бўлмайди. Бугунги кунгача аҳоли ва бюджет ташкилотларига жами 94,3 минг тонна, жумладан, 63,3 минг тонна кўмир ва 31 минг тонна брикет етказиб берилди. Бунинг ўзига хос объектив-субъектив сабаблари бор. Ажратилган кўмир ёқилғисини бюджет муассасалари томонидан ўз вақтида ташиб олмаслик, аҳолининг совуқ тушиб эҳтиёж сезмагунча кўмир харид қилишга шошилмаслиги шулар жумласидандир. Бюджет муассасаларини кўмир билан таъминлаш июнь, июль ойларида тўхтаб қолгани белгиланган режага таъсир ўтказгани бор гап.

Ҳозиргача вилоят аҳолиси эҳтиёжи учун режалаштирилган 134,1 минг тонна (61,5 минг тонна кўмир ва 72,6 минг тонна брикет) ёқилғисининг 44,6 минг тоннаси истеъмолчиларга етказиб берилди ва бу умумий миқдорнинг бор-йўғи 33,2 фоизини ташкил қилади. Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, аҳолига 44,1 минг тонна кўмир тарқатилиб, бу борадаги режа 72 фоизга



бажарилди. Аҳолининг брикетдан фойдаланиш даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда ва буни ҳозиргача ушбу ёқилғи сотиш режаси 0,7 фоизни ташкил этаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ижтимоий соҳаларнинг жорий йил куз-қиш мавсумидаги кўмир ёқилғисига эҳтиёжи 67,5 минг тоннадан иборат. Ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, мазкур тизимга 19,8 минг тонна кўмир ва 47,7 минг тонна брикет етказиб берилиши кўзда тутилган. Таъминот режасининг бажарилиши қатъий жадвал асосида йўлга қўйилган ва бу борада кунлик мониторинг олиб борилмоқда. Шу кунга қадар ижтимоий соҳаларга 19,8 минг тонна кўмир ва 30,5 минг тонна брикет, жами 50,3 минг тонна кўмир етказиб берилгани ёзда йўл қўйилган камчиликлар ўрнини тўлдириш йўлидаги жадал ҳаракатлар натижасидир.

Аҳолига қулайлик яратиш, транспорт харажатларини камайтириш мақсадида Поп, Чуст, Тўрақўрғон, Наманган, Чортоқ, Уйчи, Учқўрғон, Норин туманларида 8 та кўмир омбори ташкил қилинган. Айни пайтда уларда 2,4 минг тонна кўмир ва 1,8 минг тонна брикет захираси мавжуд. Кўмир тақсимотини адолатли йўлга қўйиш, олиб-сотарлик ва бошқа турли қинғир ишларнинг олдини олиш мақсадида аҳолига кўмир сотишни маҳалла фуқаролар йиғини раиси иштирокида амалга оширишни йўлга қўйдик. Бу билан маҳалладан қайта-қайта маълумотнома олиб, эҳтиёжидан ортиқча кўмирни икки баробар қимматга пуллайдиган айрим «учарлар» фаолиятига чек қўйилди.

Шундай аёллар борки, улар уйдаги юмушларни бекаму кўст адо этишдан ташқари, иш жойларида ҳатто эркакларга ҳам қийинчилик туғдирадиган ишларни бажарган ҳолда катта ютуқларга эришиб, барчани ҳайратда қолдира оладилар.



# Меҳнатидан қадр топган аёл

## ёхуд Олий таълим аълочиси Нафиса Муҳибованинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолиятига чизгилар

Аёл! Дунё яралибдики, ҳар қандай жамиятда ҳамиша қадрланиб келинган, барча динларда эъзозланган бу мўътабар зотга ҳар қанча таҳсинлар айтсак арзийди. Зеро оила чароғбони, фаровон турмушимиз гарови, хонадонимиз файзи ҳисобланган аёлларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Шундай аёллар борки, улар уйдаги юмушларни бекаму кўст адо этишдан ташқари, иш жойларида ҳатто эркакларга ҳам қийинчилик туғдирадиган ишларни бажарган ҳолда катта ютуқларга эришиб, барчани ҳайратда қолдира оладилар.

Узоқ вақт давомида Тошкент архитектура-қурилиш институтида фаолият кўрсатиб, тажрибали устоз ва моҳир педагог сифатида юзлаб шогирдларни етиштириш билан бирга соҳани ривожлантиришга қаратилган бир қатор илмий изланишларни олиб борган Нафиса опа Муҳибова кўпчиликни ҳурматига сазовор бўлган ана шундай аёллардан бири. Зеро, салкам 50 йиллик меҳнат фаолияти мобайнида юртимга, халқимга фойдам тегсин, деб тиним билмай тер тўкиб ишлаётган етук мутахассис.

Ўзбек аёллари орасида биринчилардан бўлиб Тошкент политехника институтининг Қурилиш факультети талабасига айланган, шу тариқа, одатда йигитлар танлайдиган касбни эгаллаб, шу соҳада ишлашни мақсад қилган Н.Муҳибова мазкур таълим муассасини 1967 йилда битириб, қурувчи-муҳандис мутахассислигига эга бўлди. Ўқишни аъло баҳоларга тугатганидан сўнг Нафиса опа институт маъмурияти томонидан ёш тадқиқотчи сифатида Москвадаги бетон ва темир-бетон илмий-текшириш институтига юборилади. Амалиёт ўташ давридаёқ бир қатор илмий мақолаларини чоп эттирган Нафиса Муҳибова 1969 йилда мазкур институт аспирантурасига қабул қилинади. Илмий изланишлари давомида у Фарғона шаҳрида фуран смоласи асосида ишлаб чиқарилган чоксиз полларни тайёрлаш механизмини яратиб, ана шу қурилиш материалларини Саранск (Мордовия, Россия Федерацияси) ва Светлогорск (Белоруссия) шаҳарларидаги заводларда амалиётда қўллашга эришади.

Бундан ташқари, Н. Муҳибова полимер бетонлар йўналиши бўйича таниқли олим Н. Мошанский раҳбарлигида тайёрланган номзодлик диссертациясини ёқлаб, 1973 йилда техника фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлади. Шу йили Тошкентга қайтиб, ўзи таҳсил олган институтнинг ўзи ўқиган факультетида катта ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди. Кўп ўтмай, шу факультет декани ўринбосари лавозимига тайинланган Н. Муҳибова 1978 йилдан 1989 йилгача институтнинг Қурилиш технологияси кафедраси мудири сифатида фаолият кўрсатди.

Шу вақтда Москва Олий аттестация комиссияси томонидан мақоламиз қаҳрамонининг доцентлик илмий унвони тасдиқланади. Кафедрага мудирлик қилган даврда Н. Муҳибова кундузги, кечки ва сиртқи бўлим талабаларига қурилиш технологияси, шунингдек, қурилишни ташкил этиш ва бошқариш фанларидан илмий-услубий қўлланмалар яратади. Ушбу йўналишлар бўйича кўплаб маъруза матнларини чоп эттириб, янги педагогик технологиялар бўйича талабаларга дарс беради.

Ўша давр талаб-эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда кафедра ташаббуси билан «муҳандис-педагог» деган янги мутахассислик ташкил этилади. Мазкур соҳа республикада таълим масканлари учун янги бўлгани сабабли дастлабки йилларда ўзбекистонлик мутахассислар ва талабалар ўз тажрибаларини орттириш, билим ва кўникмаларини амалда қўллаш мақсадида Россия ва Украинадаги қурилиш институтларига жўнатилади. Янги мутахассислик учун бир қанча ўқув-услубий қўлланмалар яратилади. Айнан ана шу ишларга бош-қош бўлган Н. Муҳибова мазкур мутахассислик бўйича диплом олган ёш кадрларга нафақат муҳандис-қурувчи касбини эгаллаш, балки муҳандис-педагог сифатида ҳунар-техника билим юртларида дарс бериш имконини яратиб беради. Умуман олганда, ўтган давр мобайнида Н. Муҳибова 50 дан ортиқ илмий мақолани чоп этишга, бир нечта дарслик, ўнлаб услубий қўлланмалар ва монографияларни тайёрлаб нашр этишга муваффақ бўлди.

Нафиса опа ўз соҳасининг устаси бўлишдан ташқари, меҳнат фаолияти давомида ташкилотчилик ишларида ҳам мунтазам иштирок этганини таъкидлаш жоиз. Сўзимиз исботи сифатида унинг йиллар давомида аввал Тошкент политехника институтининг қурилиш факультети, кейинчалик Тошкент архитектура-қурилиш институти Хотин-қизлар қўмиталарида фаолият юритганини, қўмита раиси сифатида олий таълим муассасасида меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган хотин-қизлар шахсий ҳаётлари билан яқиндан танишиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатганини, муҳтож оилалар ва талабаларга моддий ёрдам берилишини уюштириб, турли байрамлар ва оммавий тадбирларда уларни тақдирлаш ишларини ташкиллаштирганини айтиб ўтиш мумкин.

2011 йил. Пойтахтимизда шаҳарсозлик маданиятининг ноёб намунаси – «Маърифат маркази»нинг қурилиши олиб борилаётган майдон. Ўша вақтда ёшлари етмишларга бориб қолган Нафиса Муҳибова амалиёт раҳбари сифатида ТАҚИ талабаларини объект бунёд этилаётган жойга олиб борганларини кўриб, очиғи, ҳайратда қолгандим. Устоз бино қурилишида ишлаётган қудратли техника, хусусан, улкан минорали ўзиюрар кранлар, қурилишда қўлланилаётган замонавий технологиялар ҳақида ёш шогирдларга батафсил маълумот берар экан, у кишининг сўзларини тинглаётган талабаларнинг кўзлари ёниб турар эди. Бу мураббийнинг ўзига хос ўқитиш услубининг бир намунаси ҳисобланади. Зеро, Нафиса опа ҳар доим биз – ёш педагогларга талабалар қурилиш майдонини қандай ташкил этилганини ўз кўзи билан кўриб, дарслар давомида олган назарий билимларини амалиётда қўллаб, ўз билим ва кўникмаларини оширишлари лозим, дея уқтирарди.

Нафиса опа уч фарзанднинг онаси. Улардан бири шифокорлик касбини эгаллаган бўлса, икки нафари олий ўқув юртларида устозлик қилиб келмоқда. Ёшлари 80 га яқинлашиб қолган устозимиз ҳанузгача ўзининг қимматли маслаҳатлари, билим ва тавсиялари билан барчага баробар ёрдам қўлини чўзишга ҳаракат қилади. Фурсатдан фойдаланиб, тажрибали устоз ва моҳир педагог Нафиса Муҳибовани 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин дилдан муборак этиб, яна кўп йиллар давомида меҳр ва билим улашишда давом этаверинг, азиз устоз, деб қоламиз.

**Ирода САЛИМОВА,**
**Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Қурилиш технологияси ва ташкилиёти кафедраси катта ўқитувчиси.**

# Фидойи устоз

Нукус шаҳридаги 3-умумтаълим мактабининг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Гулжамила Холмуротова илғор педагогик фаолияти билан ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган таълим жонкуярларидан.




У 20 йилдан буён таълим-тарбия тизимида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Замонавий таълим андозаларидан тўғри ва унумли фойдаланади. Шу боис дарсларни пухта ўзлаштириб, билимлар беллашуви ва фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этаётган шогирдлари сони тобора ортмоқда.

**Суратда:** Гулжамила Холмуротова ўқувчилари билан.

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Шаҳримизда барпо этилган бир-биридан кўркам уй-жойларни кўрганимда кўксимда чексиз ғурур ҳисси пайдо бўлади. Ана шу гўзал биноларнинг барпо этилишида менинг ҳам ҳиссам борлигидан қувонаман. Чунки коллежда айнан қурувчилик касбини танлаган ёшларга сабоқ беряпман-да.

# Касбга эътиқод юқори бўлса

Таълим муассасамизда таҳсил олган ва айни пайтда Қарши шаҳри ва бошқа шаҳарлардаги қурилиш-таъмирлаш ишларида фаол иштирок этаётган шогирдларим менга қўнғироқ қилиб туришади. «Устоз, сиз адашмаган экансиз, сиз айтганингиздек, яхши ўқиб, мутахассис бўлдик, бугун эл дуосини оляпмиз», дейишади. Устоз учун шогирди миннатдорлигини эшитишдан кўра каттароқ мукофот бўлмаса керак.

Ҳозирги кунда мен Кадастр ишлари инспектори йўналишида ёшларга сабоқ берар эканман, шогирдларимнинг ҳар томонлама мукаммал ва етук кадрлар бўлиб етишишига ҳаракат қиламан. Бизда ўқув-лаборатория хоналари мавжуд. Турли жиҳозлар бор. Айниқса, билимга чанқоқ ёшларга кадастр ҳужжатлари йиғма жилдлари билан ишлаш, бино ва иншоотлар қурилиши ҳамда геодезия йўналишлари бўйича пухта билим беришга ҳаракат қиляпман.

Энг қувонарли томони эса, коллежимиз Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Эндиликда биз вазирлик билан келишилган ҳолда энг зарур ва керакли кадрларни тайёрлашга ҳаракат қиляпмиз. Бунда «Қарши шаҳар ер-мулк кадастри» давлат унитар корхонаси билан шартнома асосида ўқувчиларни ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётига юборяпмиз.

Мақсадимиз – юртимиз учун керакли бўлган етук кадрлар тайёрлаш экан, бу борада барча куч ва имкониятларимиздан унумли фойдаланган ҳолда ҳаракат қиламиз. Барча ҳамкасбларни Устоз ва мураббийлар куни билан чин юракдан муборакбод этаман. Хонадонларига қут-барака, ўзларига эса узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман.

**Лобар НАРЗИЕВА,**
**Қарши қурилиш касб-ҳунар коллежи Кадастр ишлари инспектори йўналиши махсус фан ўқитувчиси.**

# Будущее строительства: новые материалы и технологии

С давних времен человечество мечтает об идеальном материале: лёгком, энергоемком, удобном в применении и эксплуатации. При этом он должен быть красивым и иметь очень высокие показатели по надежности, долговечности и эстетическим качествам. Именно материалы дали название ранним эпохам: каменный, бронзовый, железный век. А сегодня изобретение новых субстанций с заданными свойствами и создание на их основе сложнейших конструкций дало возможность человечеству за сравнительно короткое время достичь больших успехов в атомной и космической индустрии, информационных технологиях, электронике, а также в строительстве.

В современном строительстве используется более двух тысяч материалов, и разобраться даже в привычных не так-то просто. Но каковы материалы будущего? Чем они отличаются от традиционных? Предлагаем обзор интересных и наиболее перспективных разработок.

### ПРОЗРАЧНЫЙ АЛЮМИНИЙ



Да вы правильно прочитали, ученые изобрели такой материал, но производство его оказалось довольно дорогим и сложным – стоимость приближается к 5 долларам за квадратный сантиметр.

Прозрачный алюминий (Transparent Aluminum Armor), или оксинитрид алюминия, – это соединение алюминия, кислорода и азота. Прозрачная твердая масса в четыре раза прочнее закаленного стекла. Может служить вместо пуленепробиваемых стекол или заменить стекла для иллюминаторов. Материал устойчив к царапинам и ударам, но при этом вдвое легче и тоньше обычного бронестекла.

### СВЕТОПРОПУСКАЮЩИЙ БЕТОН



Этот материал был создан строителями, а не учеными. В структуру композитного материала, созданного из высокопрочного цемента, мраморной или гранитной крошки мелкой фракции, внедрены сотни тысяч оптоволоконных нитей. В результате получился очень прочный, полупрозрачный материал, который к тому же светится.

### ЗЕЛЕНЫЙ БЕТОН



Исследователи из Массачусетского технологического института предлагают выпускать «зеленый» бетон, в котором вместо цемента будут использоваться органические материалы, например, кости, ракушки, морские губки. Разработка решает две серьезные проблемы: помогает сэкономить энергию в процессе производства бетона и избежать появления трещин при его эксплуатации. К сожалению, пока такой бетон ещё очень дорог.

На звание «зеленого бетона» претендует еще одна разработка – она принадлежит команде специалистов из Малайзии. Они добавили к привычным компонентам, которые используются при производстве бетона, переработанный строительный мусор. Получился недорогой и чистый материал – не хуже классического аналога. Технологии производства бетона из строительных отходов разрабатывают в разных странах, но малайзийцы оказались ближе всех к массовой реализации изобретения.

### МЕБЕЛЬ И КИРПИЧИ ИЗ ГРИБОВ



Материалы, которые подойдут для строительства, отделки или упаковки, можно делать из мицелия (вегетативного тела гриба). Если грибы смешать с кукурузной и овсяной шелухой, придать смеси нужную форму и оставить в темноте, она превратится в «цемент». За несколько дней грибы перерабатывают «пищу», и получается гомогенная масса, которую затем обжигают в печи. Лёгкий, прочный, огне- и влагостойкий материал напоминает пенопласт.

В исследовательской компании Ecovative Design, специализирующейся на технологиях с использованием грибов, предложили из мицелия делать кирпичи. Они могут быть любой конфигурации – гриб быстро растет, заполняя форму, затем его извлекают и подвергают тепловой обработке. Кирпичи получаются довольно прочные, но легкие. Еще одно преимущество – их просто ремонтировать, восстанавливать, заменять. Кстати, грибы можно использовать и как крепеж при строительстве деревянных домов, и как теплоизоляционный материал.

### ВЛАГОУСТОЙЧИВЫЕ ПАНЕЛИ ДЛЯ ПОТОЛКА



Потолочные панели ReWall производятся из картонных емкостей от сока, пластиковых бутылок, алюминиевых банок. Процесс производства схож с выпуском плит OSB, и структура материала напоминает их же. ReWall можно и сверлить, и резать как дерево, при этом материал устойчив к влаге и выдерживает перепады температуры.

### ХЛОПКОВОЕ ВОЛОКНО



Этот материал жесткий как пластик, но на ощупь это – хлопок, ведь сделан из старых футболок и джинсов. Новый материал выпускается под брендом Karta-Pack, и его можно использовать в качестве дорогой упаковки. Автор идеи Эндрю Дент, вице-президент компании Material ConneXion, считает, что дизайнеры могут использовать Karta-Pack для создания элементов интерьера – ведь он довольно прочный и очень приятный на ощупь.

### ИННОВАЦИОННОЕ ЗАЩИТНОЕ ПОКРЫТИЕ



Новое покрытие, в производстве которого использован цирконий, углепластик и кислород, можно наносить на дерево, металл, пластик, стекло или ткань. Чтобы получить разные оттенки, нужно смешивать элементы в разных пропорциях. Материал был изобретен для кухни, но с его помощью можно защищать и разные гаджеты, например, «умные» часы или смартфоны.

Конечно, в строительстве и отделке по-прежнему используются традиционные материалы, но с помощью инновационных разработок можно внедрить в индустрию самые необыкновенные идеи и реализовать смелые проекты.

**По материалам интернета.**

## Сообщение Центрального банка Республики Узбекистан

**Центральный банк Республики Узбекистан установил с 3 октября 2018 года следующие курсы иностранных валют к суму для ведения бухгалтерского учета, статистической и иной отчетности по валютным операциям, а также исчисления таможенных и других обязательных платежей *)**

1 доллар США – 8179,66
1 ЕВРО – 9468,77
1 российский рубль – 125,84
1 фунт стерлингов – 10667,09
1 южнокорейская вона – 7,35
1 японская йена – 71,81
1 малайзийский ринггит – 1976,72
1 китайский юань – 1190,98
1 швейцарский франк – 8315,20
1 дирхам ОАЭ – 2227,27
1 египетский фунт – 457,99
1 австралийский доллар – 5908,17
1 турецкая лира – 1380,30
1 сингапурский доллар – 5964,02
1 СДР – 11417,01
1 канадский доллар – 6385,37
1 украинская гривна – 290,16
1 польский злотый – 2210,06
1 кувейтский динар – 26951,10

***) Курсы установлены без обязательств Центрального банка Республики Узбекистан покупать или продавать валюты по данному курсу.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Шуҳратходжа Хашимов, Козим Туляганов,
Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Абдумуталлиб Ўктамов
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Дилфуза Хабибова

Таҳририят ҳамкорлари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш ва лойиҳалаш институтлари

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (қабулхона) 71-244-21-71, (котибият) 71-244-05-15 (факс), 71-244-15-13, (бухгалтерия) 71-244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 71-244-21-71, 71-244-40-68 (факс).
E-mail: uzbunyodkor@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қашқадарё вилояти бўйича: 90-720-33-03.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 93-466-74-84.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1007.
2349 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – А. Ўктамов
Навбатчи – А. Турсунов

ЎзА якуни – 22.30. Топширилди – 23.05.

12345